

## КЎЗ ЖАРРОҲЛИГИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ИПАК ИПЛАРИ ТАДҚИҚОТИ

т.ф.д., доц. А.Э. Гуламов, изланувчи Ж.Ш. Шарипов,  
магистрант М.А.Эшонқулова  
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

*Ушбу мақолада кўз жарроҳлигида қўлланиладиган янги структурага эга ипак иплари ҳамда хорижда ишлаб чиқарилаётган жарроҳлик иплари хусусиятлари ўзаро таққосланган.*

*В этой статье по сравнению характеристики шелковой нити с новой структурой, используемой в хирургии глаза, и хирургическими следами зарубежной хирургии.*

*This article compares the characteristics of a silk thread with a new structure used in eye surgery and surgical traces of foreign surgery.*

Пиллачилик соҳасида иктисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, республика пиллачилик тармоғи таркибидаги корхоналарни модернизациялаш ва янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, жаҳон бозорида рақобатбардош тайёр маҳсулот ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 мартдаги “Республика ипакчилик тармоғи корхоналарини янада қўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида”ги Ф-4881-сонли Фармойиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ-2856-сонли Қарори қабул қилинди [1].

Хукуматнинг мақсадли йўналтирилган бу дастурларида Республикамиз ҳудудларида замонавий техникалар ва илғор технологияларга асосланган ипакчилик корхоналарини барпо этиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 100 % га етказиш ҳамда чет элга экспорт қилиш вазифаси белгиланган.

Ипак толаси барча толалар ичида енг гигиеник ва инсон танасига фойдали эканлиги ҳозирги кунда ўз исботига эга. Кўз эса инсонга берилган буюк неъмат ва енг нозик аъзо. Шулардан келиб чиқиб кўз жарроҳлигида қўлланиладиган ипларга жуда юқори талаблар қўйилади.

Табиий ипак чок иплари яхши қайишқоқ, нам тортишлик ва капиллярлик хусусиятларига эга бўлиб, у найча ёрдамида ярагинг фасодини олиш вазифасини ўтайди. Ипак ип безовта қилмайди, оғрик сезишдан ва яллиғланишдан ҳоли қилади, тўқималардан эркин ўтади, ярагинг четларини яхши бирлаштириб, уларни керакли ҳолатда ушлаб туради, осонлик билан тугун ҳосил қилади, стерилизациядан кейин ўзининг физик-кимёвий хусусиятларини сақлаб қолади. Таркиби жиҳатидан табиий ипак

инсон танасига яқин, бактерияларга чидамлилиги, гигиеник ва механик хусусиятларини юқорилиги билан жарроҳлик ипларини ишлаб чиқариш учун хомашё сифатида мос келади.

Кўз жарроҳлигида қўлланиладиган ипак иплари ишлаб чиқариш учун пилла иплари ва эшилган ипак иплари хомашёсининг хусусиятлари бир хил бўлиши талаб этилади.

Эшилган жарроҳлик иплари ишлаб чиқариш учун бир партиядagi хомашё қуйидагича бўлиши лозим:

1-чизикли зичлиги ва якка иплар сонининг бир хил бўлиши;

2-бир хил кўринишдаги ўрамларда бўлиши;

3-физик – механик хусусияти бўйича бир хиллиги ёки бир бирига яқин бўлиши;

4-навининг бир хил бўлиши;

5-бир хил кўриниш ва бир хил пардоз берилганлиги;

Жарроҳлик иплари учун хомашёни танлаш физик-механик хусусиятларига асосланади. 000 дан 0 шартли белгилардаги жарроҳлик иплари асосан 2,33 тексли хом ипакдан ишлаб чиқарилади.

Бутун дунёда жарроҳлик ипларининг сунъий ва синтетик толалардан ишлаб чиқариладиган жуда ҳам кўп турлари мавжуд. Шунга қарамай таркиби жиҳатдан инсон танасига яқин бўлган табиий ипак иплари ўз ўрнини йўқотиб қўймади. Жаҳоннинг ривожланган давлатларида табиий ипакни эшиш ва ўриш усули билан жарроҳлик иплари ишлаб чиқарилади.

Хорижда ишлаб чиқарилаётган жарроҳлик иплари, Америка давлатларида шартли рақамда (USP) ва Европа давлатларида метрик ўлчамда (EP) ишлаб чиқарилади.

Янги структурали ушбу ипак иплари Европада фаолият олиб бораётган “CTI Group” ташкилоти томонидан ишлаб чиқарилаётган жарроҳлик ипак иплари билан рақобатлаша оладиган даражада сифат кўрсаткичларига эга эканлиги аниқланди [2].

1-жадвал

Хорижда ишлаб чиқарилаётган жарроҳлик иплари метрик ўлчами, шартли номери ва диаметри

№	Шартли рақам, USP	Метрик ўлчам, EP	Диаметр, Мм
1	10/0	0.2	0,020-0,029
2	9/0	0.3	0,030-0,039
3	8/0	0.4	0,040-0,049
4	7/0	0.5	0,050-0,069
5	6/0	0.7	0,070-0,099
6	5/0	1	0,100-0,149

Кўз жарроҳлигида қўлланиладиган ипак иплари ишлаб чиқариш мақсадида турли янги зот пилла технологик хусусиятларини ўрганиш учун

танлаб олинди. Ўтказилган якка чувиш тажрибалар натижасига кўра янги нав пилла ипларининг хусусиятлари тадқиқ этилди.

Олинган натижалар бўйича ўзаро таккослаб олинди. Таккослашлар якка пилла ипининг узлуксиз узунлиги, чизикли зичлиги, ипакчанлиги, пилладан ипакнинг чиқиш миқдори, пилла ипининг умумий узунлиги каби хусусиятларини инобатга олиб бажарилди. Тажрибалар асосида кўз жарроҳлик ипининг 000, 00, 0 шартли номерларга яқин, лекин янги структурага эга яъни, хом ипаклар сонини камайтириб, бурамларни сонини кўрайтириш йўли билан сифатли иплар олинди ва уларнинг кўйилган талабларга мос келиши аниқланди.

2-жадвал

Кўз жарроҳлигида қўлланиладиган янги структурага эга ипак иплари хусусиятлари

Шартли рақами	Ипнинг диаметри, мм	Структуравий тузилиши
000	0,13 ÷ 0,14	2,33 × 2 S 1200 × 2 Z 1200
00	0,16 ÷ 0,175	2,33 × 3 S 1000 × 2 Z 1000
0	0,19 ÷ 0,21	2,33 × 4 S 800 × 2 Z 800
1	0,21 ÷ 0,22	2,33 × 5 S 700 × 2 Z 700
2	0,27 ÷ 0,3	2,33 × 6 S 650 × 2 Z 650

Жарроҳлик иплари силлик ва текис юзали бўлиши ҳамда тўқималарни бирлаштиришда уларни кўшимча шикастлантирмаслиги, тўқималардан яхши сирғаниб ўтиши ва мустаҳкам тугун бўлиб боғланиши, эластик ва тўқималар шишганда уларни сиқиб қўймаслиги учун кераклича чўзиладиган бўлиши, тирик тўқималар билан биологик жихатдан мос келиши, ипларнинг биодеградацияси ярагинг битиши муддати билан тўғри келиши лозим. Юкорида келтирилган маълумотларга (1 ва 2-жадваллар) эътибор қаратсак янги янги структурали ипак ипларининг диаметри ингичкилигини кўриш мумкин. Ипнинг диаметри канчалик кичик бўлса, тери тўқималаридан ўтганда кам из қолдиришга эришилади.

Янги такомиллаштирилган технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш, жарроҳликда фойдаланилаётган ипак ипларининг ассортиментини кенгайтиради. Ипларни тайёрлаш жараёнида кичик чизикли зичликка эга бўлган хом ипакдан фойдаланиб кўз жарроҳлик ипи ишлаб чиқилади. Кўз жарроҳлигида синтетик жарроҳлик ипларидан эмас, гигиеник хусусияти юкори бўлган табиий ипакдан фойдаланиш имконияти ошади.

Адабиётлар:

1. <http://lex.uz>
2. Akhmedov Zh. A., Bastamkulova Kh.B., Alimova Kh., Daminov A.D. Development of yarn production technology of natural silk. Technical sciences. 2016 y.